Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

№31
(683)
2008 йил,
18 июль, жума

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ҲАРБИЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК — ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 июль куни Бухоро вилоятининг Когон туманида бўлди

Аввал хабар берилганидек, 2008 йил 10 июль кечаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Бухоро вилояти Когон туманида жойлашган ҳарбий қисмининг ракета-артиллерия омборида ўт чиққан ва у омборда ёнғин юз бериши ҳамда ўқ-дориларнинг портлашига сабаб бўлган эди. Айни вақтда вазиятни бартараф этиш, зарур хавфсизлик чораларини таъминлаш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳукумат, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа тузилмалар раҳбарларидан иборат ҳукумат комиссияси фавқулодда воқеа содир бўлган жойда иш олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳукумат комиссиясининг Когон туманида бўлиб ўтган йиғилишини бошқарди. Йиғилишда фалокат сабабларини аниқлаш билан боғлиқ ишларнинг бориши, содир бўлган воқеа оқибатларини бартараф этиш бўйича кўрилаётган зарур чора-тадбирлар ҳақида тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Шу ҳудудда ишлаётган ҳарбий хизматчилар хавфсизлигини таъминлаш, воқеа содир бўлган жойнинг яқинида яшайдиган ва хавфсиз жойга кўчирилган аҳолига тегишли моддий ва маънавий кўмак бериш, жабрланганларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар муҳокама қилинди.

Бу борада амалга оширилаётган ишларни атрофлича таҳлил қилар экан, Ислом Каримов, аввало, мавжуд вазиятни ҳар томонлама чуқур тасаввур қилиш ва рўй бериши эҳтимоли бўлган салбий ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича барча зарур чораларни кўриш лозимлигини уқтирди.

– Бунда ҳар бир ишни пухта ўйлаб, аниқ таҳлил ва қатъий меъёрлар асосида бажариш муҳим аҳамиятга эга, – деди Юртбошимиз. – Биринчи навбатда, воқеа содир бўлган жой атрофида яшаётган аҳолининг, ўз хизмат бурчини бажараётган ҳарбийларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида этибор қаратишимиз керак.

Рўй берган бу воқеанинг асосий сабаби шундаки, совет даврида барпо этилган мазкур ўқ-дори омбори бундай объектлар учун белгиланган норматив талабларни инобатга олмасдан қурилган.

Бугун афсусланиб айтиш керакки, жанговар снаряд ва ўқ-дорилар сақланган бу омбордаги аҳвол, портловчи моддаларнинг қандай сақланаётгани, уларнинг эртага қандай хавф етказиши мумкинлиги, бундай объектлардаги тартиб-интизомнинг ҳолати тўғрисида тегишли мутасадди ташкилотлар, авваламбор, Мудофаа вазирлиги етарлича эътибор ва масъулият кўрсатмаган. Кўп нарса ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бундай ўта муҳим объектни қўриқлайдиган, унинг хавфсизлигини таъминлайдиган ҳарбий қисм раҳбарияти ва ходимларини танлаш, жой-жойига қўйиш масаласига совуққонлик билан қаралган.

– Когон туманида содир бўлган ушбу фавқулодда ҳодиса ва унинг сабаблари, етказилган зарар оқибатларини аниқлаш бўйича ҳозирги кунда Бош прокуратура ва мутасадди органлар томонидан тергов ишлари олиб борилмоқда ва ўз вақтида керакли хулосалар чиқарилади ва жамоатчилигимизга маълум қилинади, – деди Ислом Каримов. – Мақсад – ҳақиқатни аниқлаш, бундай фалокатлар қайтарилмаслигининг олдини олиш учун зарур барча чора-тадбирларни кўриш.

Йиғилишда муҳокама қилинган барча муҳим ва долзарб масалаларни ўз вақтида ва пухта бажариш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига топшириқлар берилди.

Шундан сўнг Президентимиз Ислом Каримов мазкур ҳудудда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли вертолётчилар ҳарбий қисмида бўлиб, бу ерда ҳарбийларнинг хизмат вазифасини ўташи, дам олиши, спорт билан шуғулланиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун яратилган шароитлар билан танишди. Ҳарбий хизматчилар билан суҳбат чоғида уларнинг хизмат фаолияти, оилавий аҳволи билан қизиқди.

Ислом Каримов ҳарбий қисм жойлашган ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, тегишли инфратузилмалар яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

– «Ислоҳотлар – инсон учун!», деган эзгу ғоямизни ҳарбийлар учун ҳам тўла татбиқ этишимиз, уларнинг хизмати ва турмуши учун зарур барча шароитларни яратиб беришимиз шарт, бунинг учун давлатимизнинг салоҳияти ва маблағи етарли, – деди Президентимиз пировардида. – Ўзини Ватан ҳимоясидек олижаноб ва шарафли ишга бағишлаган ҳарбий хизматчиларнинг машаққатли меҳнатини ҳар томонлама қадрлаш, уларга давлат ва жамиятимиз томонидан доимо ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш – Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришнинг асосий шарти ва гаровидир. Бу ишдан Ўзбекистонда яшаётган ҳеч бир инсон четда турмайди, деб ишонаман.

(ЎзА).

Мустақиллик тенгдошлари

Суратда: Н.Бобоқамбарова машғулот пайтида.
Муаллиф олган сурат.

ИЛМ ГУЛШАНИДАН МЎЪЖИЗА ИЗЛАБ

Самарқандлик лицей талабаси, халқаро олимпиада ғолиби Нилуфар Бобоқамбарова устозлари ишончини оқлади

Эндигина 17 баҳорни қаршилаган Нилуфар Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида туғилиб ўсди. 5 ёшида мактаб партасига ўтириб, ўқиш-ёзишни бошлади. 14 ёшида Самарқанд Давлат университети қошидаги 1-академик лицейга ўқишга кирди. Ўқиди, изланди, тинимсиз машғулот ва мутоалалардан эринмади.

Нилуфар шу йил, лицейни тугатиш арафасида Тошкентда кимё фанидан ўтказилган 42-Халқаро Менделеев олимпиадасида қатнашиб, ғолиблар қаторидан жой оламан, деб ўйламаган эди. Энди эса у ҳам олимпиаданинг бронза медалини, ҳам Ҳамдўстлик мамлакатларидаги исталган олий ўқув юртига имтиҳонсиз ўқишга кириш ҳуқуқини қўлга киритди. Дунёнинг 17 та давлатидан 256 нафар зукко талаба иштирок этган мазкур олимпиада шартларини уддалаш нечоғлик машаққатли эканини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак.

Ҳа, шундай, Нилуфар Бобоқамбарова илмда кимё йўлини танлаб адашмаган ёшлардан. Эҳтимол, оила муҳити унда айни шу кўникмани шакллантиргандир. Отаси – қишлоқ ўқитувчиси, онаси – поликлиникада болалар шифокори. Ҳар иккиси фарзандларини илмли инсон этиб тарбиялашга астойдил жазм қилган кишилардан.

– Нилуфар кимёдаги мўъжизалар сирини билишга қизиқади, – дейди устози, академик лицей ўқитувчиси Наима Муҳаммадиева. – Кристалларнинг пайдо бўлиши, вулқонларнинг отилиши, ҳаётимизни бор қилиб турган сувнинг хусусиятлари – ҳаммасига жавоб кимёда мужассам. Ҳали бу фанда очилмаган қанча-қанча жумбоқлар бор. Нилуфар сингари умидли ёшлар ўз изланишлари билан инсониятга янги кашфиётларни тухфа қилишига ишонаман.

Т. ЗОҲИРОВ.

ЗАФАР МУБОРАК, ТАНТИ ҒАЛЛАКОР!

Ёз. Жазирама. Уфқларга туташ тоғлар ён бағирлари, қирлар ва ўнгирлар — ғаллазор... Йирик-йирик олтин ранг бошоқлар ерга эгилган. Тўқ, қизғиш доналар бошоғидан сирғалиб чиқиб, гўё пастга томчилаб турибди.

Ғаллакор кўзларида севинч. Каттакон, забардаст деҳқон кафтлари титраётгандек... Гўё бу қувонч, бу титроқ эрта кўкламнинг уйқусиз тунларига, ҳаво очилишини зориқиб кутишларига, улкан дон хирмони кўйида елиб-югурилган серташвиш дамларга ишора!.. Хаёлида ҳозир ана шу чайқалиб турган бўлиқ бошоқлар замиридаги Катта нон тасаввури!

Эсланг, 1991 йилнинг охири 1992 йилнинг боши. Республикамизда баъзи нарсаларда узилиш бўлган пайт. Собиқ иттифоқ парчаланган. Иқтисодчиларимиз йиллик эҳтиёжимизни ҳисоблаб, 6 миллион тонна ғалла керак дейишди. Лекин олдимизда уни қаердан, қайси маблағга, қанчага олиб келиш муаммоси турарди.

Муаммо, ташвиш, вазифа...

Мамлакатимиз бўйлаб дон мустақиллигига эришиш шиори ўртага ташланди. "Республика бўйича 40 центнердан ғалла олиш бу – қўлимиздан келадиган вазифа, – деган ғоя билан чиқди Президентимиз. – Ахир, қачонгача олтинимиз, пахтамиз эвазига четдан ғалла олиб келамиз?..".

Кураш бошланди. 1994 йилда 2,7 миллион тонна ёки 1991 йилдагидан 44 фоиз кўп дон жамғарилди. 1995 йилда барча турдаги хўжаликларда 4,4 миллион тоннадан ортиқ (шу жумладан 3,5 миллион тоннадан ортиқ бошоқли) дон йиғиштириб олинди. Ўша йили пахта ва ем-хашак экинларидан бўшатиб олинган ерлардан фойдаланиш ҳисобига дон сепилган майдонлар ҳажми 1 миллион 472 минг гектарга етказилди...

Мустақилликнинг 11 йиллигида эришилган рақамларни кўз олдингизга келтиринг: Аҳоли томорқаларида етиштирилган ғаллани ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 5 миллион тонна атрофида дон тайёрланди.

- **2004 йилда 5,5 миллион тонна атрофида..,**
- **2005 йилда 5,8 миллион тоннадан ошикроқ..,**
- **2006 йилда 6 миллион 100 минг тонна..,**
- **2007 йилда 6 миллион 150 минг тонна...**

Ушбу сатрлар битилаётган кезларда, яъни куни кеча мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон ғаллакорларига" табриги ўқилди:

"Қадрли дўстлар! – дейилади унда. – Авваламбор, сиз, азиз деҳқон ва фермерларни, барча қишлоқ меҳнаткашларини бугунги меҳнат ғалабангиз – 6 миллион 175 минг тоннадан зиёд улкан ғалла хирмони бунёд этганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман..."

Қўлга киритилган бу ютуқда Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ғаллакорларининг салмоқли улуши бўлди. Республика бўйича гектар бошига ҳосилдорлик 48 центнерни ташкил этди. Давлатимиз раҳбари юқорида тилга олган вилоятларда эса бу кўрсаткич 50-60 центнерни, Оқдарё, Денов, Пахтаобод, Избоскан, Сариосиё туманларида 58-65 центнердан ҳам юқори бўлгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Ана шундай фидокорона меҳнат эвазига мамлакатимиз бу йил ўтган йилга нисбатан қарийб 230 миллиард сўмдан кўпроқ даромад олди. Аниқроқ айтганда, Истиқлолимизнинг ўн еттинчи йилида ғаллакорларимиз тарихда илк бор – 1 триллион 37 миллиард сўмдан ошикроқ даромад қилишга муваффақ бўлдилар.

Дон, бу – нон! У биз учун, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, фаровонлик, тинчлик ва файзу барака тимсолидир. Ана шу фаровонлик, тинчлик ва файзу барака йўлида эришган улкан зафарингиз муборак бўлсин, танти ғаллакор!

Замон АЛИ.

ИСТИҚЛОЛ СУВРАТИ ЖАЖЖИ ҚАЛБИМДА!

Бу суврат — юртга, элга, Ватанга бўлган муҳаббат

Кимда ўз юртига бўлмаса меҳр,
У қалбан шикаста, у қалбан мажруҳ...

деган эди шоир. Ҳақ гап! Одам учун Ватандан улуғроқ маскан, гўша йўқ. Шунинг учун ҳам у фақат киндик қони тўкилган юртда ўзини мағрур, хотиржам ва бахтиёр ҳис эта олади. Бу тушунча, тан олинг, юртдошларимиз тафаккурида, хусусан, Истиқлол йилларига келибгина ўз шакли-шамойилини топа бошлади десам, муболаға эмас.

....Бир тасаввур қилинг: чўлда ўрмалаб юрган жониворлар ҳам туғилиши биланоқ ўз маконларини биладилар, ҳавода учаётган қушлар ҳам, денгиз ва дарёлардаги балиқлар ҳам ўз ошёнларини ҳис қиладилар, ҳатто бол ари ва шунга ўхшашлар ҳам ўз уяларини муҳофаза этишади – шунинг каби одам ҳам қаерда туғилиб, парвариш топган бўлса, ўша жойга меҳр қўяди. Бу жой, бу маскан – унинг Ватани!

Ватан нима? Бу – ўзининг тарихий тадрижини мазкур ҳудудда камолга етказган бус-бутун халқ. Бу – ўша халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги. Бу – унинг бой маданияти, тили, феъл-атвори. Бу – у томондан амалга оширилган мақсадлар, ўзгаришлар ва ўз тарихидаги муҳим босқичлар...

ХХ асрнинг охири ХХI асрнинг бошига тўғри келиб турган сўнгги 17 йил Ватани Ўзбекистон бўлган бутун ўзбек халқи учун ҳам шундай мақсад, шундай ўзгариш ва шундай тарихий муҳим босқичдир. Бу – эркинлик, ҳурлик, озодлик, мустақиллик босқичи!

Не бахтки, шу 17 йилда ўзлигимизни таниб, ҳаётимизни яна ва яна ҳам яхшилаб боришдек саодатли улуш масъулияти – Сизу бизнинг зиммамизга тушди. Зеро, мамлакатимиздан ҳам бошқа турли хил давлат ва ўлкалар кўп, лекин туғилган Ватанимиз битта: бу – мустақил Ўзбекистон! Уни қалбан севмоқ, қалбан англамоқ ва боринг-ки, бағрида бир зарра бўлмоқнинг ўзи ҳам бахт, ифтихор, шараф!

Ушбу сатрларни битаётиб, сўнгги кунларда ўзаро гурунгларда эшитган ва эсимда қолган даврадошларим сўзларини ёдга олдим.

Сарваржон Матёқубов, Тошкентга ўқиш ниятида келган абитуриент, Хоразм вилояти, Гурлан тумани "Гулистон" маҳалласидан:

– Мен Мустақиллик тенгдошларидан бириман. Мамлакатимиз мустақиллигининг ҳам айни ёшлик чоғи ҳозир. Наздимда, мустақиллик ва менинг тақдирим худди бир данак ичида қўш мағиздек баайни тотга тўлган давр...

Бегмуҳаммад Мамарасулов, Самарқанд вилояти, Қўшрабод туманидаги "Урганжи" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

– Бизга ота-оналаримиз, фарзандларимиз, яқин хеш-ақробаларимиз – ҳаммаси қадрли. Аммо қадр борасидаги барча тасаввурларимиз биргина "Ватан" отли тотли сўзда мужассаму мустажоб топган. Айтинг, ундан – Ватандан ажралиб бўладими? Навоий бобомиз айтганлар:

Ватан таркини бир нафас
айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас
айлама...

* * *

Қарангки, гурунгдошларимнинг уччалови сўзларида ҳам Ватан, Халқ, Истиқлол суврати бамисли бирдек чизилмоқда. Учовида ҳам бир хил тушунча, бир хил мантиқ, бир хил мушоҳада: кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди!

Ватанга муҳаббат ғояси ҳам аслида ўзи шу!

Она диёр ва бутун бошли халқимизнинг буюк истиқлоли суврати жажжигина бўлса-да, ҳаммамизнинг қалбимизда эканлиги ҳам шу!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

Публицистика

Бу давр ичида Ватанимиз ўз мустақиллигини йил сайин мустаҳкамлаб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топди, дунёга танилди. Унинг ҳурлигини, озодлигини афгор омма тан олди. Шундай юртда яшамоқ, уни суймоқ ва истиқлоли йўлида ўқимоқ, ишламоқнинг ўзи катта бахт.

Машҳура Раҳмонова, Тошкент шаҳридаги "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси ишчиси:

– Ватан тушунчасини чуқур англамоқ яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам каттаю кичик – ҳаммамизга бирдек хос. Бу тушунчани юракдан ҳис этган одамларгина ўзларини "Мен шу Ватан фуқаросиман" дейишга ҳақли!

Ватан – ундан ўзга азиз ошён йўқ. У – каъба каби муқаддас саждагоҳ... Ўн етти йиллик эрк, ҳурлик боқий бўлсин, Илло...

Долзарб мавзу

Даставвал шуни таъкидлаш зарурки, нодавлат нотижорат ташкилотлари — ННТлар демократик ислоҳотларни амалга оширишда ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда катта куч ҳисобланади. Лекин бугун ана шу кучни тўлиқ ҳаракатга келтириш учун зарур ҳуқуқий-молиявий имкониятлар етарлими?

ННТни МОЛИЯЛАШТИРИШ

нима учун керак?

ёки фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг янги имкониятлари Самарқандда ўтказилган анжуманнинг муҳокама мавзуига айлангани хусусида

Самарқанддаги Ёшлар саройида ўтказилган давра суҳбати, унда муҳокама этилган масалалар ҳам долзарб мавзуга аниқлик киритишга, фуқароларнинг фикр-муносабатларини ўрганишга, хулоса чиқаришга хизмат қилди. Анжуман ташкилотчилари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Самарқанд филиали ҳамда "Адолат" СДПнинг Самарқанд вилояти Кенгаши ушбу тадбирга кўплаб манфаатдор иштирокчиларни, оммавий ахборот воситалари ходимларини таклиф этишди.

(Давоми 2-бетда).

Долзарб мавзу

ННТни МОЛИЯЛАШТИРИШ нима учун керак?

ёки фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг янги имкониятлари Самарқандда ўтказилган анжуманнинг муҳокама мавзуига айлангани хусусида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Давра суҳбатини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов бошқарди.

Анжуманда дастлаб "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Худоёр Маматовнинг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун яратилган янги имконият Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг бош омили" мавзуидаги маърузаси тингланди.

Таъкидландики, фуқаролик жамиятини шакллантириш бутун дунёда узлуксиз давом этаётган жараёндир. Бу жараён давлатнинг барча органлари томонидан давлат ҳокимиятининг тармоқлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик йўли билан, уларнинг ваколатлари ўртасида мувозанатни сақлаган ҳолда жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда ННТлар ҳамда фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларининг фаол иштироки учун зарур шароитлар яратиш орқали амалга оширилади. Шу боис, Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарори соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг мантиқий давомидир. Чунки биз кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири эса нодавлат нотижорат ташкилотларидир.

ННТларнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти ғоят салмоқлидир. Нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифодалаб, одамлар онгида демократик қадриятларни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга кўмаклашади, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

Ва, энг асосийси ННТлар давлат ҳамда ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатишнинг таркибий бўғини ҳисобланишади.

Давра суҳбати иштирокчиларига етказилган маълумотлардан англашилдики, 1990 йилда Ўзбекистонда атиги 210 та ННТ фаолият юритган бўлса, 2008 йилда бу рақам 5000 тани ташкил этди. Улар жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари, ассоциациялар, иттифоқлар шаклида фаолият кўрсатмоқдалар. Шуни алоҳида қониқиш билан таъкидлаш мумкинки, ННТлар билан давлат ўртасида ижтимоий ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Демак мақсад аён: демократик ислоҳотларни кучайтириш учун ННТлар фаолиятини рағбатлантириш зарур. Хўш, бу иш қандай амалга оширилади?

Парламент палаталари Кенгашларининг қўшма қарорида бу борадаги муҳим ўзгаришлар қайд этилган. Яъни, агар илгари ННТни молиялаштириш ижроия ҳокимияти томонидан амалга оширилган бўлса, эндиликда бу иш билан қонун чиқариш ҳокимияти шуғулланади.

Иккинчидан, ННТга маблағлар ажратиш ва тақсимлаш механизми ҳам тубдан ўзгарди. Зарур маблағлар ҳажми параметрлари, тақсимлаш тартиблари Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси томонидан белгиланади.

Фонд маблағлари бевосита ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига уларнинг талабномаларига асосан Парламент комиссиясининг қарорига мувофиқ уч шаклда: грантлар, субсидиялар ва ижтимоий буюртмалар тарзида ажратилади.

— ННТларни молиялаштиришнинг янги тизими нисбатан ҳозиржавоб ва демократик талабларга жавоб беради, — деди анжуманда сўз олган Самарқанддаги "Сабр" ишонч маркази раҳбари Мавлуда Ширинова. — Лекин ана шу тизим фаолиятида ошкоралик, шаффофликни таъминлаш ижтимоий адолатни қарор топтиришда муҳим роль ўйнайди. Чунки маблағлар ННТларнинг фаолият доираси, улар тақдим этаётган лойиҳа кўлами ва аҳамиятига қараб ажратилиши керак.

Давра суҳбатида иштирок этган Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Самарқанд филиали раҳбари Фарҳод Набиевнинг фикрлари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

— ННТларни қўллаб-қувватлашни давлат ўз зиммасига олаётган экан, нодавлат нотижорат ташкилотлари энг аввало, маънавиятни ривожлантиришга, фуқаролик жамияти учун муносиб кишиларни тарбиялашга хизмат қилиши лозим, — деди у. — Чунки маънавияти юксак кишилар жамият олдидаги фуқаролик бурчини ҳаммадан теран англай олади. Сиёсий жараёнларга бефарқ қарамайди.

Шу боис ННТлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш жараёнида масаланинг айни шу жиҳатларига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу яна шунинг учун ҳам керакки, молиявий кўмак олаётган ташкилот қайси мақсадга хизмат қилаётгани сезилиб турсин. Турли ҳомийлар кўмагида тузилган айрим ННТлар ўз низом доирасидан четга чиқиб, муайян буюртмага асосланиб иш юритгани, қонунчиликка зид лойиҳаларни амалга оширгани ҳам маълум. ННТ орқали демократияни ва турли "очиқ жамият моделлари"ни экспорт қилишга уринишлар ҳам бўлган.

Эндиликда Олий Мажлис ҳузурида ННТларни қўллаб-қувватлаш жамоат Фонди тузилгани аниқ мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Фонд маблағларини Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, тегишли вазирлик ва идораларнинг экспертлари, ННТ ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат ғоят демократик таркибдаги Парламент комиссияси бошқаради.

Давра суҳбатида ННТлар фаолиятини молиялаштириш ва янгича шароитларда ташкил этиш билан боғлиқ кўплаб саволларга жавоб қайтарилди. Бу хусусда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Самарқанд вилояти Адлия бошқармаси ва вилоят прокуратураси масъул ходимлари ўз фикр-мулоҳазалари билан мавзуни янада ойдинлаштиришга муваффақ бўлдилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ННТлар одамларни янги жамият сари бошламоқда. Фуқароларни демократик ислоҳотларда фаол иштирок этишга ундамоқда. Халқаро ҳамкорликларни ривожлантиришга хизмат қилаётгани эса Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти олдидаги нуфузини янада оширади.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири.

Муносабат

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш бош стратегик мақсад қилиб белгиланди. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, миллий анъаналар ва маънавиятимизни қайта тиклаш, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЯНГИ ҚАДАМ

Фуқаролик жамияти шаклланишининг бу босқичида амалга оширилган ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини ташкил қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа кўплаб қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши ва институционал тузилмаларнинг шаклланиши фуқаролик жамиятини барпо этиш бўйича ишлар ниҳоясига етказилганлигини англатмайди. Аксинча, бу узоқ йилларга мўлжалланган тадрижий жараён саналади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг мустақил нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда, жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига кўмаклашиш, уларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун мустақил тизим ва объектив шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарори ушбу соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши қуйидаги жиҳатлар билан алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, қўшма қарорга мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг мустақил, энг демократик принципларга асосланган тизим, яъни Олий Мажлис ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилади. Агар шу вақтгача фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан молиявий маблағлар ажратилган бўлса, унинг устидан асосан ижро ҳокимияти мониторинг ўрнатган эди. Эндиликда эса бу вазифани халқ вакилларидан иборат мамлакат олий қонун чиқарувчи органида ташкил этилажак Парламент комиссияси амалга оширади. Қўшма қарорда Фонд маблағларини қандай мақсадлар учун ажратилиши мумкинлигининг аниқ белгиланганлиги маблағларни адолатли, холис тақсимлашнинг имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий, институционал ҳамда малакали кадрлар тизими ташкил топди ва изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палаталари Кенгашларининг қўшма қарори нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини изчил ва мустақил ривожлантиришни таъминлаш, мамлакатни демократик янгилаш жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлидаги янги бир муҳим қадамдир.

Худоёр МАМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.

"АДОЛАТ" СДП Ҳаётидан

АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

Шовот тумани партия Кенгаши ва Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил қилинган тадбир "Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосий мақсадимиз" деб номланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизларнинг роли тобора ошиб бораётгани, айниқса, уларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда фаоллашаётганликлари алоҳида эътироф этилди.

– Аёл – оила таянчи, фарзанднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида унинг ўрни беқиёс, – дейди туман партия Кенгаши иккинчи котиби Ўғилжон Вафоева. – Шу жиҳатдан хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, ҳимоя қилиш доимий вазифамиз саналади.

Тадбирда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

"ШОДЛИКДА" ЁШЛАР БЕЛЛАШДИ

"Адолат" СДП Гурлан тумани Кенгаши ташаббуси билан тумандаги "Шодлик" болалар оромгоҳида "Ёш ватанпарварлар" мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

– Туманимизнинг энг билимдон, зукко ўғил-қизлари "Шодлик"да йиғилгани бизни жуда қувонтирди, – дейди туман партия Кенгаши иккинчи котиби Гулнора Турдиева. – Танловда ёшлар ўзларининг она Ватанга муҳаббат туйғусини турли саҳна кўринишлари, викториналар, спорт беллашувлари орқали намоён этишди.

Тадбир сўнггида ижро этилган дилрабо куй-қўшиқлар ёшларда катта таассурот қолдирди.

ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРМОҚДА

Андижонлик партия фаоллари томонидан "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Андижон тумани Кенгаши томонидан тумандаги "Хартум" қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил қилинган тадбирда ўтган ярим йил давомида партия фаоллари амалга оширган ишлар муҳокама этилиб, келгуси режалар белгилаб олинди.

– Ёшларга ҳар томонлама ёрдам беришга эътибор қаратаяпмиз, – дейди туман Кенгаши биринчи котиби А.Назаров. – Турли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларининг яхши йўлга қўйилгани мавжуд муаммоларга ечим топишда муҳим омил бўлаяпти.

МАЪРИФАТЛИЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Наманган муҳандислик-педагогика институтида вилоят партия Кенгаши ташаббуси билан "Ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Талабалар, профессор-ўқитувчилар ва партия фаоллари қатнашган тадбирда ёшларни маърифатли қилиб вояга етказиш турли хил ташқи кучларга қарши курашишнинг муҳим омили эканлиги таъкидланди.

– Ёшлар онгини зарарли ғоялар таъсиридан асраш ҳар бир фуқаронинг бурчи, – деди вилоят партия Кенгаши йўриқчиси З. Аҳророва. – Шу сабабли биз бу йўналишда кўплаб тадбирлар ўтказмоқдамиз. Йиғинларимизга кўпни кўрган, ёши улуғ инсонларни таклиф этишимиз, уларнинг ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашишимиз яхши самара бераяпти.

Ўз мухбирларимиз.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сурхондарё вилояти партия Кенгашининг навбатдаги пленуми ўтказилиб, унда ўтган ярим йил давомида партиянинг туман, шаҳар партия ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар, соҳадаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш йўллари, фаолиятни янада жонлантиришга доир таклиф ва мулоҳазалар ҳақида сўз юритилди. Тадбирда, айниқса, Термиз тумани партия Кенгаши фаолияти ҳам атрофлича муҳокама этилди. Шу жиҳатдан олдимизда турган энг муҳим вазифалар хусусида қисқача тўхталмоқчиман.

ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Термиз тумани партия Кенгаши Сурхондарёдаги энг йирик ташкилотлардан саналади. Бу ерда ўтган йиллар мобайнида халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтиришда алоҳида жонбозлик кўрсатилмоқда. Биргина "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши билан ҳамкорликда жорий йилнинг биринчи чораги давомида юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни тарғиб қилишга қаратилган қирқдан ортиқ тадбирлар уюштирдик. Бунинг натижаси ўлароқ, фуқароларнинг партияга бўлган ишончи, қизиқиши тобора ортиб, аҳоли билан ҳамкорлик алоқалари янада яхшиланиб бораётир. Бу ўз навбатида партиямиз нуфузининг ошиши ва омма орасига дадил кириб боришига хизмат қилаяпти.

Барча сиёсий бирлашмалар қатори туман партия ташкилотимиз ҳам истиқлолимизнинг ўн етти йиллик тўйини муносиб кутиб олишга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ тумандаги қатор маҳалла ва овулларда, ўқув масканларида давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Мақсадимиз халқ фаровонлиги, эл тинчлиги йўлида ўз муносиб ҳиссамизни қўшишдан иборат экан, бу йўналишда маъсулият билан ишга ёндашишимиз, бир бутун бўлиб жипслашмоғимиз керак, албатта.

Дўстмурод НОРМУРОДОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Термиз тумани Кенгаши биринчи котиби.

МОДЕРНИЗАЦИЯ

сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти



Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг жадал модернизация қилиниши, замонавий қувватларнинг ишга туширилиши истеъмол бозорини сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Бешкент шаҳрида фаолият юритаётган "Қарширадиатор" Ўзбекистон – Россия қўшма корхонасида кенг кўламдаги модернизациялаш жараёнлари олиб борилиб, корхона цехлари илғор технологиялар билан жиҳозланди. Натижада қисқа вақт ичида иш кўлами сезиларли даражада ортиб, маҳсулотлар сифати яхшиланди. Бугун қўшма корхона ўз харидорларига турли хилдаги пишиқ-пухта совутгич радиаторларни тавсия қилмоқда.

– Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, бу — сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имкони экан, — дейди корхона раҳбари, иқтидорли мутахассис Райим Қодиров. — Маҳсулотимиз хомашёси қалин латун лентасидан тайёрланяпти ва уларнинг совутиш ускуналари қулай ҳамда етарли миқдорда жойлаштирилаётгани айни муддао бўлди. "ТТЗ", "МТЗ" тракторларидаги радиаторларнинг совутиш трубкачаларини 172 тагача кўпайтирдик. Уларга қалинлиги 0,14 миллиметрли латун лентаси ишлатдик. Аввалгисига қараганда анча чидамли, совутиш даражаси юқори. Бу маҳсулотнинг сифатига икки йилгача кафолат бераяпмиз. Иш коэффициенти ҳам импорт қилинаётган радиаторларга қараганда анча юқори....

Дарвоқе, яқинда радиаторлар учун йилига 5 тоннагача полиамид тайёрлаш ва турли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги технология ўзлаштирилиб, 15 та қўшимча иш ўрни яратилди. Корхона жамоаси шу билан изланишдан тўхтаб қолгани йўқ, аксинча янада сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини берувчи янги технологияларда иш олиб бориш чоралари кўрилмоқда. Қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Чоршанби Сувоновнинг таъкидлашича, тез орада қўшма корхонага Хитойдан янги технологияларни олиб келиш режалаштирилаяпти. Албатта, бу қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини янада ошириб, маҳсулотларининг рақобатбардошлигига катта ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

Носир ҲАЙДАРОВ.

Суратларда: *қўшма корхона фаолиятидан лавҳалар.*

Муаллиф олган суратлар.

ЯНГИОБОДДА ЯНГИ ЦЕХ

Жиззах вилоятида тадбиркорлик субъектларига барча қулайликлар яратиб берилаётгани соҳа ривожида муҳим ўрин тутмоқда.

Янгиобод туманида фаолият юритаётган "Райҳона-Сўғдиёна" кўп тармоқли хусусий савдо фирмаси "Ғаллабанк"нинг туман филиалидан олинган умумий қиймати 4 миллион 820 минг сўм кредит маблағ ҳисобига нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги минитехнология сотиб олди. Эндиликда бу ерда ойига 4 миллион сўмлик нон ва 12 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бу туман аҳолисининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган талабини қондирибгина қолмай, қўшимча иш ўринларини яратиш имконини ҳам берди.

Бугунги кунда вилоятдаги хусусий сектор вакилларига яқиндан ёрдам берилаётгани, аввало, аҳоли бандлигини таъминлашга, қолаверса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб боришига имкон яратмоқда. Шу сабабли ўтган йили кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 67,1 фоизни ташкил этди. 24 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратилди.

М.ИСМОИЛОВ,
"Адолат" мухбири.

"КАПИТАЛБАНК"ДА ЮКСАЛИШ

«Капиталбанк»нинг операцион бошқармаси фаолиятини бошлади, деб хабар беради банк матбуот хизмати.

Тузилманинг бундай ислоҳ қилиниши банк мижозларига кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш, уларга тезкор хизмат кўрсатишга қаратилган. Банкнинг операцион бошқармаси эса жисмоний ва юридик шахсларга миллий ва хорижий валюталарда барча қўламдаги банк хизматларини тақдим этади. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш, уни техник жиҳозлаш юксак стандартларга мувофиқ амалга оширилди. Бу замонавий тарзда мижозларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш имконини беради.

Орамиздаги одамлар

МЕҲНАТ ҚИЛГАНДА МУАММО БЎЛМАЙДИ...

Ғузор туманидаги «Шоймардон бобо Пўлат ўғли» фермер хўжалигида амалга оширилаётган ишлар ҳақида

Қашқадарё вилоятининг мамлакатимиз халқ хўжалигида тутган ўрни беқиёс, ижтимоий-иқтисодий салоҳияти юксак. Зотан, вилоят пахта ва ғалла етиштиришда республикамизда етакчилардан. Ёқилғи маҳсулотлари етказиб беришда ҳам пешқадам. Халқимизнинг кундалик эҳтиёжи – табиий газнинг салмоқли улуши ҳам шу ерда ишлаб чиқарилади... Муҳими, буларнинг ҳаммасида қашқадарёлик мард, танти одамларнинг алоҳида хизмати бор. Ана шуларнинг бири, бугун биз ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон – Ғайрат Пўлатовни Қашқадарёда кўпчилик яхши танийди.

Вилоятнинг Ғузор туманида "Шоймардон бобо Пўлат ўғли" фермер хўжалиги бор. Ғайрат ака – шу хўжалик раҳбари. 2004 йилнинг қиш чилласида ташкил топган фермер хўжалигини у бобоси – Пўлат бобо ва отаси – Шоймардон отанинг хотираси учун уларнинг номи билан атади.

* * *

– Ўзим зиёли оилада туғилган бўлсам-да, табиатан ерни яхши кўраман, – ҳикоя қилади Ғайрат ака. – Отам ўқимишли одам эди. Жойлари жаннатда бўлсин, ўтган асрнинг саксон тўртинчи йили оламдан ўтдилар. Онам – ҳаёт, бу йил 80 ёшга кирадилар. Икковларининг ҳам дуосини олганман. Падар билан волида дуосида гап кўп... Дастлаб етмиш тўртинчи йилда Самарқанд кооператив институтини тугатдим. Лекин ерга бўлган меҳрим мени ўзига тортаверди. Кейин ишлаб чиқаришда, савдо соҳасида ишлаб юриб, Самарқанд Давлат қишлоқ хўжалиги институтида ҳам сиртдан таҳсил олдим.

– Савдода қандай ишлар билан шуғуллангансиз? – гапини бўлиб сўрадик ундан.

– Туман матлубот савдо идорасида, дўконда, универмагда, бозорда – ҳаммасида у ёки бу раҳбар ишларда то саксон саккизинчи йилгача фаолият кўрсатдим. Сўнг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қабул қилиш ва сотиш муассасасида раислик қилдим...

– Фермер хўжалигига қачон қайтдингиз?

– Боя айтдим-ку, ерга бўлган меҳр мени доим тортиб турди... Мустақиллик шарофати билан фермерларга ҳавасим келиб, 2004 йилда ер олдим...

* * *

Сир бўлса-да айтайлик, Ғайрат аканинг ўзига хос бир шиори бор: "Меҳнат қилганда муаммо бўлмайди!" Тўрт йил ичидаёқ қаддини ростлаб олган фермер хўжалиги жамоаси бугун қайта ишлаб чиқариш цехларни очиш режаси билан яшаяпти. Бунинг учун Ғайрат ака ҳозир Хитойга бориб, у ердан тармоққа керакли ускуналар олиб келиш тараддудида.

...Хўжаликнинг даромади мўмайгина. Аҳоли турмуш тарзи фаровон. Кам таъминланган, ногирон ва ёлғиз кишилар ижтимоий ҳимояда. "Даромадга яраша буромад" деганларидек, саховат, эҳсон, ҳомийлик деган миллий қадриятлар фермер хўжалиги раҳбарининг ҳам, хўжалик аъзоларининг ҳам доимий диққат марказида.

* * *

Бизнинг изоҳ: Ғайрат Пўлатов мустабидлик йиллари ҳарбий хизматини хорижда ўтаб, у ерда одамларнинг дала ҳовлиларига кўзи тушади ва улардан бирини ёқтириб қолади. Кўнглида "Ғузорда ҳам шундай далаҳовли қурса бўлади-ку?" деган орзу туғилади. Хизматдан қайтиб, шу орзуси йўлида аввал 3 гектарлик, кейинчалик 6 гектарлик ташландиқ ерни ўзлаштиришни бошлайди. 2 минг туп ўрик, олма, беҳи, шафтоли сингари турфа мева кўчатлари ўтқазади. Баҳор чоғи барчаси ёппасига чаппор уриб гуллаган дарахтларни кўриб, нақд чаманзор дейсиз, ёзда ва кузда эса сархил меваларидан кўзингиз қамашади.

Тошкент – Термиз қадимий Ипак йўли устига тушган бу ажиб боғ ёнида газ ёнилғиси қуйиш шохобчаси ва мўъжазгина чойхона ҳам бор.

Буларнинг ҳаммаси қаҳрамонимизнинг "меҳнат қилганда муаммо бўлмайди!" шиорига яна бир тасдиқ.

* * *

Шогирдлари Абдурахмон Қўйлиев ва Ўтар Хушвақтов ҳикоясидан:

– Ғайрат акани биз "Ҳожи ота" деб ҳурмат қиламиз. Истиқлол йиллари Муқаддас Ҳаж зиёратига мушарраф бўлган зотлардан. 2 ўғил, 2 қизнинг меҳрибон отаси, саккиз нафар неварасига бува. Уйли-жойли ўғил-қизларининг тўртови ҳам олий маълумотли: қишлоқ хўжалиги мутахассиси, инженер, ҳуқуқшунос.

* * *

...Қўксида фидойилик билан қилинган самарали меҳнати рамзи – Мустақиллик йиллари кўкрак нишонлари порлаб турган орамиздаги бу одам – ғузорлик Ғайрат Пўлатов суратига чизган чизгиларимизга шу ерда нуқта қўяркамиз, битигимиз бошида ёзганимиздек, Қашқадарёда унинг каби мард, танти ва ориятли одамлар юзлаб-минглаб топилишини ҳам алоҳида таъкидлашни истадик.

Соат ҲАҚБЕРДИЕВ,
Эркин САИДОВ,
"Адолат" мухбирлари.

РАҚАМЛАР ВА ДАЛИЛЛАР

— Фермер хўжалигининг экин майдони 330 гектар. Шундан 175 гектари суғориладиган пайкаллар, 155 гектари лалми ерлар.
— 120 гектар майдонда пахта етиштирилади.
— 30 гектар боғи бор.
— Бу йил ғалла режаси 100 фоиз бажарилиб, ҳосилнинг 60 тоннаси жамоа ихтиёрида қолди.
— Хўжаликда 16 та қишлоқ хўжалик техника воситаси мавжуд бўлиб, улардан 2 та "ТТЗ" трактори лизинг йўли билан харид қилинган.

РАҚАМЛАР ВА ДАЛИЛЛАР

— Хўжалик ўтган йили туман тез тиббий ёрдам идораси ҳисоб рақамига 10 миллион сўм маблағ ўтказиб берди.
— Туманда спортни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли тадбирлар ижроси учун 6 миллион сўм йўналтирилди.
— Сўнгги икки йилда 8 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол (бузоғи билан) олиб берилди.
— Хўжаликда пахта, ғалла, мева ва сабзавот етиштиришдан ташқари чорвачилик ҳамда паррандачилик ҳам ривожланиб бормоқда. Ҳозир бу ерда 40 та эстон зотли қорамол боқилмоқда.
— Икки йилдан буён фаолият кўрсатаётган тикувчилик цехида 20 нафар қишлоқдошлар янги иш ўринлари билан таъминланган.

Хоразм вилоятидаги "Хонқа дон маҳсулотлари" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган ун ва ун маҳсулотлари сифатли тайёрланиб, мижозларга вақтида етказиб бериш билан бирга одамларни иш билан таъминлаш борасида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

ИСЛОҲОТ ВА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

"Хонқа дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти фаолиятида ёрқин натижалар бермоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан кейин корхона миқёсида юз берган ўзгаришлар бугун катта самара бераётир. Қисқа вақт ичида бу ерда уй шароитида ун маҳсулотлари тайёрлаш билан бирга электродвигателларни таъмирлаш, ёрлиқлар тайёрлаш, тунукачилик билан шуғулланиш каби турли хил иш ўринлари ташкил қилинди. Шу кунгача 112 та касаначилик ўрни яратилиб, 2008 йил бошидан бери улар томонидан 29 миллион 766 минг сўмлик турли хил ишлар бажарилди.

– Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида қатор режалар тузиб қўйганмиз, – дейди жамият раиси Қутлибой Хўжамуродов. – Корхона томонидан қўшни туманлар ҳудудида кунига 4,5 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга 2 та нонвойхона ва битта консерва ишлаб чиқариш цехи ташкил қилдик. Шунингдек, туманларда 11 та ихтисослашган омухта ем сотиш шохобчалари очдик. Аҳоли ва чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига ўтган йили 8921 тонна (бу йил шу кунгача 6218 тонна) омухта ем сотишга муваффақ бўлдик. Корхонамизнинг 4 та туманда 5 та дон қабул қилиш маскани мавжуд. 1764 та фермер хўжаликлари билан шартнома тузганмиз. Бу йил 27700 тонна буғдойни қайта ишлашни мўлжалга олдик.

– Бугунги кунда корхонамизни модернизациялашга катта эътибор берилаяпти, – давом этди раис. – Цехларимизга Туркия ва Германияда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-усуналар ва дастгоҳлар ўрнатилганлиги иш самарадорлигини ошираяпти. Бу эса даромадимиз миқдорини кўпайтириб, ишчи-хизматчиларининг ижтимоий-иқтисодий муҳофазалаш муаммолари ечимида ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Қолаверса, улар учун энг қулай меҳнат шароитларини яратиб беришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда янги иморатлар қураётган ёки уй сотиб олаётган оилаларга, хусусан, ёш оилаларга моддий ёрдам беришни йўлга қўйдик. Яқинда иқтисодий муҳтож оилалар 5 та қорамол олишди. Корхона касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда ишчи-хизматчиларимизнинг 60 нафар фарзандлари ёзги оромгоҳларда дам олишлари учун бепул йўлланмалар билан таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, бундан 17 йил мукаддам юртимизда эсган Мустақиллик эпкинлари ва ислоҳий жараёнлар бугун халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, аҳоли турмуш тарзининг юксалишида ўз ифодасини топмоқда.

З.АВАЗОВ,
"Адолат" мухбири.

МУРУВВАТ УЙИДА – "БОЛАЛАР БОҒИ"

Қўрғонтепа тумани ижтимоий таъминот бўлимида 204 нафар ёлғиз яшовчи, ўзгалар парваришига муҳтож кексалар рўйхатга олинган. Уларга домий равишда моддий ва маънавий ёрдам бериб келинмоқда.

Яқинда тумандаги барча ёлғиз кексалар тўла тиббий кўрикдан ўтказилди. 62 нафари уй ва стационар шароитда даволанди, 29 нафари сиҳатгоҳларда дам олиб, саломатликларини тиклаб қайтди. Бундан ташқари, олийҳиммат, саховатпеша ҳомийларни жалб қилиш эвазига 11 миллион 850 минг сўмлик турли хилдаги моддий ёрдам (озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон) кўрсатилди, 3 киши ногиронлар аравачаси ва яна 3 киши протез-ортопедия воситаларидан бепул баҳраманд бўлди. 2 нафар онахоннинг уйи капитал, қолган таъмирталаб хонадонлар эса жорий таъмирдан чиқарилди.

Якка-ёлғиз яшовчи кексаларга қулайлик яратиш мақсадида туманда "Ижтимоий такси" хизмати йўлга қўйилган. Бунда улар шифохонага ёки бормоқчи бўлган манзилларига беминнат бориб келадилар. "Донс" фирмаси билан тузилган шартномага мувофиқ чекка қишлоқларда яшовчи 1008 нафар ёлғиз кексалар шаҳарга қатновчи "мобил автобус" хизматидан бепул фойдаланишаяпти.

Қўрғонтепа шаҳарчасидаги Мурувват уйида ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Айни кунларда бу ерда ўзгалар парвариши ва тиббий хизматга муҳтож 254 нафар бола тарбияланмоқда.

– Эзгуликка йўғрилган саховатдан хаста кўнгиллар сув ичади, – дейди Мурувват уйи директори Қ.Хожиматов. – Сахий инсонлар эса юртимизда кўп. Уларнинг меҳри тафтидан тарбияланувчиларимиз оз бўлса ҳам касаллигини унутади, йўқловчилари борлигидан қалблари шодланади, "Мен ёлғиз эмасман!" деган туйғу билан яшайди...

Дарҳақиқат, "Қўрғонтепа дон маҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти, "ЎзДонгЖу" қўшма корхонаси, "Адолат" СДП вилоят Кенгаши, туман ҳокимлиги, "Ғаллабанк"нинг туман бўлими жамоалари ҳамиша Мурувват уйидан хабар олишиб, ҳомийлик ёрдамини кўрсатиб келишяпти. Мана шундай амалий ёрдам туфайли ёзнинг дастлабки кунларида Мурувват уйи ҳовлисида "Болалар боғи" ташкил қилинди.

Азамат МАҲМУДОВ,
"Адолат" мухбири.

ИҚТИСОДИЁТДА ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР ЎРНИ

Республикамиз ўз иқтисодиётининг ривожи учун бой имкониятларга эга. Ҳаёт ана шу имкониятларни тўлиқ ишга солиш билан бирга, хорижий сармоядан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Мамлакатимизда чет эл инвестицияларини жалб қилишга қулай шароитлар яратилган. Шу мақсадда «Хорижий инвестициялар тўғрисида» қонун қабул қилинган, биз билан ҳамкорлик қилишни хоҳловчи ишбилармонларга халқаро меъёрлар доирасида кафолатли шарт-шароит яратилган. Шу боис бугун мамлакатимизда кўплаб қўшма корхоналар унумли ишлаб турибди.

Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки йилларидан, айниқса, пахтани тўла қайта ишлашга эришиш ва бу қимматли хомашёни жаҳон бозорида манфаатли тарзда сотиш, мамлакатимизда нефть ва газ саноатини ривожлантириш, бунда чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор берди. Бугун нефть ва газ саноати равнақига ҳисса қўшаётган кўплаб янги корхоналаримиз бор. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёрлиқ билан жаҳон бозорига чиқаяпмиз. Зеро, хорижий сармояларнинг жалб қилиниши — давлатнинг экспорт салоҳияти, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиради; давлат бюджетига қўшма корхоналардан солиқлар тушумини кўпайтиради; аҳолининг иш билан бандлигини ўстиради; давлатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини жадаллаштиради.

Иқтисодиёт таркибининг ўзгариши ва устувор тармоқларининг ривожланиши мазкур соҳаларга йўналтирилган капитал қўйилмалар миқдорига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам хорижий инвестициялар асосида иқтисодиётнинг юқори самарали, экспортга йўналтирилган тизими шакллантирилди. Қишлоқ хўжалик тармоғини янги ва замонавий техника билан жиҳозлаш, соҳада ишлаб чиқариш ҳамда у билан боғлиқ бошқа тизимларни такомиллаштириш жадал давом этмоқда. Енгил саноат корхоналарини қайта жиҳозлаш, модернизациялаш борасида ҳам изчил ислоҳатлар амалга оширилмоқда.

Бу – мамлакатимиздаги етакчи шоирлардан бири бўлган «Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик» деган даъватнинг амалдаги ифодасидир.

Барҳаёт БАХТИЁРОВ,
ТДИУ талабаси.

Қилмиш – қидирмиш

ҒАЗАБ ЎТИ ЁНДИРДИ

Фахриддин икки нафар ширин фарзанднинг отаси эди. Ҳаётда яхши-ёмон кунларни шу азиз фарзандлари, турмуш ўртоғи билан кечирди. Аммо...

Халқимизда "Бекорчидан худо безор", деган нақл бор. Фахриддин анча вақт ишсиз юрди, ичкиликка ружу қўйди. Турмуш ўртоғи Комила эса туну кун фарзандлари ташвишида яшади. Рўзғорни тебратиш мақсадида кафега ишга жойлашди. Бу эса тараллабедод юрган Фахриддинга ёқмади. Узлуксиз давом этган тушунмовчиликлар, жанжаллар охир-оқибат бечора аёлнинг сабр косасини тўлдирди. У онасиникига кетишга қарор қилди.

– Пичоқ бориб суякка тегди, – дея йиғлади Комила. – Мен сиз билан бошқа яшай олмайман.

– Агар кетсанг, шарманда қиламан, – деди кўзларида важоҳат аралаш эри. – Ўғлимни бермайман, қизингни эса олиб кетавер.

Комила кўп қийналди, эзилди. Ахир, турмуш ўртоғи билан салкам 15 йил бирга яшади. Энди эса...

Ўша куни Фахриддин уйга яна маст ҳолда кириб келди. Қарасаки, уйда уй эгаси Лилия Фадеева, қизи Мунисхон ва ўғли Зайниддин ширин уйқуда, ухлаб ётишибди. Хотини эса онасиникига кетиб қолган. Фахриддиннинг бундан фиғони фалакка чиқди. Ғазаб ўтида ёниб, қўлига болтани олди. Аввалига уй эгаси Лилия Фадеевани шафқатсизларча ўлдирди. Кейин эса... ўғли Зайниддининг бошига кетма-кет болта урди! Тақдирнинг қора қилмишини кўрингки, ўзининг инсоний қиёфасини йўқотган Фахриддин ҳали ўн ёшга ҳам тўлмаган норасида қизининг ҳам ҳаётига зомин бўлди.

Фахриддин Муртазоев жиноий ишини яширишга ҳарчанд уринмасин, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари барча масалага ойдинлик киритишди. У қотил ота сифатида қонун олдида жавоб берди.

Т.ҲУСАНОВ,
Тошкент вилояти прокуратураси катта терговчиси.

ДУНЁ КЎЗГУСИ

ЯНГИ ҚЎМИТА ТУЗИЛДИ

Тожикистонда тарғибот қўмитаси тузилди.

Россиянинг "Коммерсант" газетасининг хабар беришича, Тожикистон президенти ҳузурида Ахборий қаршилик кўрсатиш бўйича қўмита ташкил этилиб, унинг зиммасига халқаро оммавий ахборот воситаларида мамлакат ва унинг раҳбарияти ижобий имиджини илгари суриш вазифаси юклатилган.

Етти кишидан иборат қўмита аъзолари, жумладан, давлат ва жамият нуфузига путур етказувчи мақолаларга алоҳида жавобларни ҳам чоп этиш масъулиятини елкасига олади.

АМЕРО МУОМАЛАГА КИРИТИЛАДИМИ?

"АиФ" газетасининг Америка матбуотига таяниб хабар беришича, АҚШ келаси йилдан бошлаб доллар ўрнига янги валютани муомалага чиқариши мумкин.

Қўшма Штатлар билан бирга Канада ва Мексика ҳам 2009 йилдан бошлаб "амеро" деб номланган янги валютани муомалага чиқаришни мўлжалламоқда. Мутахассислар фикрича, бу режа амалга ошгудек бўлса, сайёрамиз иқтисодиётида катта ўзгаришлар кузатилади. Ҳозирча учта давлат ҳамкорлари бу борада якуний хулосага келишгани йўқ.

МУЗЕЙ МЕҲМОНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА



2007 йилда Париждаги "Лувр" музейи энг кўп томошабин тўплаган музей, деб топилди. Ўтган йили бу ерга 8 миллион киши ташриф буюрган.

Иккинчи ўринни Британия музейи эгаллаган – 5,4 миллион киши. Қарийб беш миллион музей ихлосмандларини кузатган Лондондаги «Тейт» галереяси эса учинчи ўринда. Тўртинчи ўрин соҳиби — Нью-Йоркдаги «Метрополитен» музейи. У Ватикандан бироз олдинда, холос. Митти суверен ҳудудга ўтган йили 4,3 миллион киши саёҳатга келган. Кейинги ўринларни эса дунёнинг машҳур музейлари қаторидан жой олган Лондон миллий галереяси, Версаль, д`Орсэ импрессионистлари музейи, Токио миллий музейи, Мадриддаги «Прадо» музейи эгаллаган.

ШУНЧАЛАР ИССИҚКИ...

Хитой олимлари иқлим ўзгаришлари таъсирини ўрганишга киришмай туриб, японлар буни ўз бошларидан ўтказмоқдалар.

Ҳаво ҳароратининг ноодатий тарзда кескин кўтарилиб кетиши японияликларга кўп ташвиш келтирмоқда. Иссиқ ҳаво туфайли соғлиғи ёмонлашган 200 дан ортиқ киши касалхонага ётқизилган. Мамлакат пойтахти Токиода термометр кўрсаткичлари 33 даражагача кўтарилиб, ноқулай об-ҳаво оқибатида шифохоналарга мурожаат этганлар сони 19 кишини ташкил этган.

Шифокорлар иложи борича кўчага чиқмасликка, қуёш нурлари таъсиридан эҳтиёт бўлишга, офтобдан ҳимояловчи бош кийимларини кийиб юришга чақирди.

ЎЛИК БАЛИҚЛАР



Украинадан 100 тоннага яқин ўлган балиқлар топилган.

Херсон вилоятида 4 км. квадратга чўзилган майдонда қарийб 100 тоннага яқин ўлган балиқлар топилган. Айни пайтда бундай нохуш ҳолатни бартараф этишда 40 нафар хизматчи ва 10 нафар техник ходим жалб этилган.

Ҳозирча воқеа сабаблари аниқланганича йўқ, ўлган балиқлар текширувга жўнатилган. Маҳаллий ҳокимият эса ҳудуддаги барча дам олиш масканларини вақтинча ёпиб қўйган.

Билмаганни ўқиб ўрганинг!

ИЛК ПАРЛАМЕНТ



Парламент сўзи французча "парлер", яъни "гапирмоқ" сўзидан олинган. Лекин негадир биринчи парламент Англияда 1265 йилда тузилган. Тушунарсиз ҳолат, аммо факт. Бунинг боисини биласизми?

Гап шундаки, 1066 йили Нормандия герцоги Вильгелм Англияни истило қилади ва давлат тузади. Ўшанда давлат тили сифатида француз тили белгиланади. 1265 йили Англияда биринчи маротаба парламент чақирилади. 1362 йилда француз тили бекор қилинади, лекин парламент сўзи амалда қолади.

УЛАР ТУРЛИЧА НОМЛАНАДИ



Дунё давлатларида қонун чиқарувчи органлар турлича номланади.

Масалан, Ўзбекистонда – Олий Мажлис, Англияда – Парламент, АҚШда – Конгресс, Россияда – Дума, Финляндия, Польша, Литва, Латвияда – Сейм, Қирғизистонда – Жогорку Кенеш, Эстонияда – Рийгикогу, Украинада – Рада, Афғонистонда – Миллий Ассамблея, Швейцияда – Рикстаг.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА,
Дилноза ЖУМАНИЁЗОВАлар тайёрладилар

Абитуриент — 2008

ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР ЯҚИН

Юртимизда тест синов имтиҳонларига тайёргарлик кўриш ҳал қилувчи паллага кирди

Бугун республикамиздаги барча олий ўқув юртларида иш қизғин — абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш давом этмоқда. Эрта-индин бу жараён якунланиб, талаба бўлиш орзуси билан яшаётган йигит-қизлар учун ҳаяжонли кунлар бошланади.

Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази маълумотларига кўра, мамлакатимиз бўйича 2008-2009 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлашнинг кундузги бўлимларига 58000 та ўрин белгиланган. Бу ўтган йилдагига нисбатан 6396 тага кўп бўлиб, шундан 19945 таси давлат гранти, 38055 таси тўлов-контракт асосида қабул қилинади. Шу билан бирга, махсус сиртқи бўлимларга 5605 та (1265 та давлат гранти, 4340 та тўлов-контракт асосида), магистратурага эса 5500 та ўрин (1510 та давлат гранти, 3990 та тўлов-контракт асосида) ажратилган. Бу йилги янгиликлардан бири бу – мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида қирққа яқин янги таълим йўналишлари очилганидир. Масалан, айни пайтда Ўзбекистон Миллий университетида генетика, биофизика, геохимия, минерология ва петрография, Тошкент кимё технологиялари институти ҳамда Урганч Давлат университетида композицион ва кукунли материаллар йўналишлари бўйича абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Бу йил Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида бакалавриат таълим босқичига 2045 нафар талаба қабул қилиниши режалаштирилган. Абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш бўйича ушбу таълим муассасаси республикамизда етакчилардан саналади.

– Ўтган йил бизнинг университетга ҳужжат топширганлар сони 20 мингдан ошганди, – дейди қабул комиссияси масъул котиби Иброҳим Йўлдошев. – Жорий йилда эса 25 мингни кўзлаяпмиз. Абитуриентларнинг бугунги оқимини кўриб, чамаласак, тахминимиз тўғри чиқади-ёв.

– Абитуриентлар кўп ҳужжат топшираётганининг сабаби нимада? Балки бу ерда ўқиш осонроқдир?

– Ўқитиш-ку, доимий тартиб асосида. Бунинг бошқа сабаблари бор: аввало, кейинги йилларда юртимизда ўқитувчилик касбига ҳурматэътибор ошди. Қолаверса, олийгоҳимизда шарт-шароитлар анча яхшиланди. Учинчидан эса, тарғибот ишлари кучайтирилди.

Университетда магистратура йўналишлари ва махсус сиртқи бўлимда ҳам қабул жараёни қизғин давом этмоқда.

– Магистратурага 29 йўналишда 234 нафар талаба ўқишга қабул қилинади, - дейди университетнинг магистратура бўйича қабул комиссияси масъули Комилжон Насриддинов. – Бунда биз бошқа олийгоҳларни бакалавр йўналишида битирган талабаларни ихтисослик шифрларига алоҳида эътибор берамиз.

– МДҲ ва бошқа хориж давлатларидан талабалар ҳужжат топширгани келишса, улар қабул қилинадими?

– Албатта. Улар имтиҳон топширишмайди, фақат давлат томонидан белгиланган миқдорда шартнома тўловини тўлашади. Аввалги йиллардаги каби бу йил ҳам бизда ўқиш истагида бўлган хорижлик талабалар бор.

Айни пайтда мамлакатимиздаги барча олий таълим масканларида абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш жараёни якунига етиб, тест-синов имтиҳонлари яқинлашаётганини ҳисобга олсак, ота-оналарнинг фарзандларига катта умид кўзи билан қараётганини англаш қийин эмас. Зеро, Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида ўқишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу эса мамлакат истиқболини белгилайдиган юксак салоҳиятли ёш мутахассисларнинг етишиб чиқишини таъминлайди.

Беҳбуд БОТИРОВ,
"Адолат" мухбири.

Олий таълим муассасаларига кириш учун ҳужжат топширганлар сони

- **2004 йил — 249 мингдан ошган,**
- **2005 йил — 283 мингтага етган,**
- **2006 йил — 314 минг нафарни ташкил этган,**
- **2007 йил — 345 мингдан зиёд йигит-қизлар ҳужжат топширган.**

Республикада "Ватан маҳалладан бошланади "мавзусидаги фото танлов ўз ишини бошлади. Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган танлов Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган.

"ВАТАН МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ"

Танлов шартларига кўра, фото суратларда маҳалла маданияти, тўйлари, маросимлари, муаммолари, қилинаётган ишлар акс этиши лозим. Танловда нафақат моҳир фотосуратчилар, балки эндигина иш бошлаётган ҳаваскорлар ҳам қатнашиши мумкин. Шунингдек, унда чет эллик кўнгиллилар иштироки ҳам кўзда тутилган. Уларнинг ишлари фақатгина кўргазмага қўйилади.

Танлов якуни бўйича энг яхши асарлардан фото альбом тайёрланади. Энг яхши, деб топилган ишга Гран-при дипломи, қолган иштирокчиларга эса 1-2-3 ўринлар, шунингдек, эсталик совғалари топширилади. Иштирокчиларнинг ишлари 10 сентябргача қабул қилинади.

Жорий йилнинг 9 октябрида эса Тошкент фотосуратлар уйида танловдаги энг сара асарларнинг кўргазмаси ўтказилади.

"Туркистон-пресс".

Спорт

САМУЭЛ ЭТО'О "ҚУРУВЧИ"ДА ЎЙНАЙДИ!

Тўлиқ исми Самуэл Это'О Филс. 1981 йил 10 мартда Камерунда туғилган. Бўйи 179 см, оғирлиги 75 кг. Ампуласи — ҳужумчи. 1998 йилдан буён Камерун терма жамоасида жами 70 та ўйинда майдонга тушиб, рақиблар дарвозасини 33 маротаба ишғол этган. "Барселона" таркибида 108 ўйинда рақиблар дарвозасига 77 та гол урган.

Дарҳақиқат, бугун миллионлаб футбол мухлисларининг тилида шу гап. Ўзбекистон Футбол Федерацияси сайтида ёзилишича, Лондоннинг "Арсенал", Италиянинг "Милан" каби жаҳоннинг номдор клублари қизиқиш билдираётган жанубий африкалик маҳоратли футболчини мамлакатимизнинг етакчи жамоаси — "Қурувчи" ҳаммадан олдин ҳаракат қилиб, "юлиб кетди". Бу ўзбек футболи тарихидаги энг шов-шувли янгилик сифатида эътироф этилмоқда.

Ҳозир жаҳон футболида трансфер бозори қизғин паллага кирган. Аксарият клублар у ёки бу футболчини ўз сафига чорлаётган бўлса, айрим "чарм тўп" усталари омадларини бошқа жамоаларда синаб кўришни исташмоқда. "Қурувчи" эса ёзги трансферда энг яхши натижани қўлга киритиб, ўзбек футболи тобора ривожланиб бораётганини намойиш этди, десак янглишмаймиз. Ҳақиқатдан ҳам, мазкур харид шунчалик шов-шувли бўлдики, жаҳон жамоатчилиги токи Самуэл Это'О Ўзбекистонга келиб, "Қурувчи"да ўйнашни бошламагунча ишонмасликларини айтишаётгани ҳам бор гап.

Бир неча марта "Африка қитъасининг энг яхши футболчиси" унвонини қўлга киритган ўйинчи "Барселона" таркибига 2004 йилда келиб қўшилди. Жорий йилги мавсумга қадар у испан клуби сафида муваффақият билан тўп суриб, жамоа ютуқларига муносиб улуш қўшди. Каталонияликларнинг собиқ бош мураббийи Франк Райкаарднинг ўрнига келган Хосеп Гвардиола эса африкалик футболчининг хизматларига эҳтиёж сезмаслигини билдириб, у билан бирга Деку, Эдмилсон, Дос Сантос, Роналдиньо ва Замбротталарга ҳам кетиш "чиптаси"ни тутқазди. Бу орада Замбротта "Милан"га, Деку "Челси"га йўл олди. Это'О эса, сенсацион равишда Тошкент вариантини танлади. Дарвоқе, аксарият манбаларда Самуэль Это'Онинг "қалдирғочлар" таркибида камида олти ой ўйнаши айтилмоқда.

"Қурувчи" профессионал футбол клуби ва "Барселона" ўртасида "бир йил плюс бир йил"га мўлжалланган шартнома имзоланган. Унга кўра, яқинда Каталония клубининг саккиз нафар менежери пойтахтимизга ташриф буюриб, ҳар бири ўз йўналиши бўйича "Қурувчи" ходимларига семинар курсларини ўтказишади. Бу курслар асосан замонавий профессионал футбол клубида ишни қандай ташкил этиш, фаолиятни мукаммаллаштириш мавзусида олиб борилади. Шунингдек, 20-21 июль кунлари "Барселона"нинг уч футболчиси – Хави, Андреас Иньеста ва ҳимоячи Карлос Пуйоль юртимизда мастер-класс уюштириш, ўзбекистонлик футбол ишқибозлари билан учрашиб, уларга кўтаринкилик бағишлаш мақсадида юртимизга келишади. Умид қиламизки, бундай футбол юлдузларининг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистонда футболнинг тараққий этиши учун хизмат қилади.

Фарҳод ОТАМУРОДОВ.

Маънавият сабоқлари

КИТОБГА МЕҲР ҲАЁТГА МЕҲР

Албатта, китобга меҳр қўйиш, қизиқиш, интилиш ҳар бир кишининг ўзига боғлиқдир.

Нуҳ бинни Мансур оғир дардга гирифтор бўлиб қолганида, Бухорода ёш ҳаким чиққани ҳақида эшитади. Кўп ўтмай Ибн Синони подшоҳ ҳузурига олиб келишади. Ёш ҳаким ўзининг услубида беморнинг томирларини ушлаб кўради. Айни пайтда у ўз олдида тождор подшоҳ эмас, балки оддий бемор ётганини ҳис қилди. Ноўрин бўлса-да, айрим саволларни берди ва уларга жавоб олди.

Тўғри қўйилган ташхис ва оқилона муолажадан бемор шифо топган Нуҳ бинни Мансур ёш табибга ўзининг миннатдорчилигини изҳор этар экан:

— Нима тиласанг, ўшани сенга бергум, — деди.

Ёш табиб камтаринлик билан:

— Менга саройингиз кутубхонасидаги китоблардан фойдаланишга ижозат берсангиз бўлгани, — дейди.

— Умримда пулдан, бойликдан кўра китобни устун қўйган одамни биринчи кўришим. Баракалла! Сен учун сарой илм-урфони — кутубхонам эшиклари очиқ, — дейди Нуҳ бинни Мансур.

Улуғ табиб ва кўпгина бошқа илмларнинг соҳиби бўлган бобокалонимиз Абу Али Ибн Синонинг ақл йўлини ёритган нур ўша ноёб китоблар бўлган.

Азал-азлдан китоб ва китобхонлик қадрланиб келинган. Шу боис, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий: "Китобдан яхшироқ дўст йўқдир", деганида минг бор ҳақ эди.

Ибн Сино ёшлигида Арастунинг "Метафизика" асарини қўлга олиб, қирқ марта ўқиб, тушунолмайди. Охир-оқибат китобни бир чеккага ташлаб қўяди. Орадан анча вақт ўтиб, Бухоро бозорини айланиб юрганида чадрадан қўлини чиқариб, бир китоб ушлаб турган кампирга кўзи тушиб қолади.

— Бу китобни сотурмисиз? — сўрайди у кампирдан.

— Ҳа, зориқиб қолдим. Ўзи жуда яхши китоб, — дейди онахон.

Ёш табиб китобни олиб, варақласа, бу ўша Арастунинг китобига Форобий ёзган "Фасуси ал-ҳаким" номли шарҳи экан. Ибн Сино бу китобни сотиб олади ва унинг ёрдамида юнон донишмандининг мураккаб фалсафий мулоҳазалари мағзини чақади.

Улуғ алломаларимиз қувончини ҳам, аламини ҳам китобдан олишга одатланишган эди. Ойнинг ёруғида китоб ўқиб, китоб ёзишган боболаримиз. Дунёвийлик мартабасига, диний обрўсига фақат китоб ўқиш, илм ўрганиш орқалигина эришишган. Шу боис, инсоният яратган энг зўр кашфиёт бу китобдир. Китоб ақл, тафаккур фарзандларидир. У ҳар қандай билимнинг жони-дили ҳисобланади, китоб кирган уй ҳам, қалб ҳам нурли, ёруғ бўлади.

Мустақиллик шарофати билан ўзлигимизни англаяпмиз, миллий ва диний қадриятларимиз тикланаётир. Бу жараёнда китобнинг ўрни, хизмати беқиёс. Бир вақтлар араб имлосида битилган китобларни ўқиган ва сақлаганларнинг қисмати жуда оғир бўлганини яхши биламиз. Аммо халқимизнинг китобга бўлган меҳрини бу каби зўравонликлар сўндира олгани йўқ.

Бугун мамлакатимизда китоб нашри яхши йўлга қўйилган. Ҳозир тўртта нашриёт ижодий уйи, ўнлаб хусусий нашриётлар фаолият кўрсатиб турибди. Давлат ҳисобидан йилига 17 номдаги дарсликлар бир миллион 769 минг нусхада чоп этилаётир. Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона эса ўз фондида 6 миллион китобни сақлайди. У — Марказий Осиё республикаларидаги марказлашган, бой кутубхона. Унинг ташкил топганига 138 йил бўлган. Марказий болалар давлат кутубхонасининг фондида 250 минг нусхада бадиий ва бошқа соҳаларга доир китоблар сақаланади. Бу масканда китобни тарғиб-ташвиқ қиладиган, методик-услубий ёрдам берадиган, китобхонлар билан мустаҳкам алоқа боғлайдиган тадбирлар ўтказиб келинаётир.

Албатта, китобга меҳр, қизиқиш, интилиш ҳар бир кишининг ўзига боғлиқдир.

— Биз, — дейди Ҳайбатулла бобо деган танишим. — Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романини қўлма-қўл ўқиб чиққанмиз. Худди шундай, халқ достонларини, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг"ини, Аҳмад Яссавийнинг "Ҳикматлар"ини, Амир Ҳисрав Деҳлавий, Мирза Бедил, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр асарларини ҳам излаб, топиб ўқирдик. Бир пайтда "Яссавийхонлик", "Ҳофизхонлик", "Бедилхонлик", "Навоийхонлик" каби ўқишларимиз бўларди. Ҳозир эса китоб кўп, бироқ, китобхон камлигига ҳайрон қоламан.

Китобхонликда қандай китобни ўқиш муҳим? Катта ҳажмли китобда маъно-мазмун саёз бўлиши мумкин. Шунингдек, ҳар қандай китоб ҳам тарбиячи бўлолмайди. Шу жиҳатдан китобни танлаб ўқишни билиш керак. Ота-она ва устоз-муаллимлар фарзандлари, шогирдларига бу борада маслаҳатгўй, ҳатто назоратчи бўлгани тузук. Чунки китобнинг безаги, қоғози, сифати яхши бўлса-ю, мазмуни ёмон бўлса, ўқувчидаги ҳафсала, қизиқиш сўнади. Китобдаги фикрлар, бадиий ифода ва жозибали образлар, ўгит, нақл, мақоллар ва ибратли воқеалар, келтирилган манба ва маълумотномалар китобхонни бефарқ қолдирмайди. Сермазмун китоблар китобхонни мушоҳадага чорлайди, уни маънавий озиқлантиради. Зеро, китобни ўқиётганда қанча кўп мушоҳада юритсангиз, шунча оз нарса билишингизга амин бўласиз.

Китобхонлик муаммоси борасида "Адолат" таҳририятига хат йўллаган муштарийларнинг ташвишида жон борга ўхшайди: айрим мактаб ва олий ўқув юрти талабаларига: "Қандай китобларни ўқидингиз?", деб берган саволимизга аксарияти аниқ жавоб беролмади. Балки телесериалларни кўришганларини, интернет сайтларда у-бу нарсаларни ўқиганларини айтишди, холос. Бу эса чиндан афсусланарли ҳол.

Илгарилари қайси хонадонга кирсангиз, албатта, китоб жавонларида ранг-баранг китоблар тахлаб қўйилган бўларди. Ҳозирда бу анъана унутилгандек. Китоб жавонлари ўрнини бошқа ашёлар эгаллаганига кўзимиз тушади.

Фарзандлар истиқболи ва келажагини ўйлайдиган ҳар бир ота-она, албатта, ҳар доим муҳим саналар, байрамлар муносабати билан уларга қизиқ-қизиқ китоблар туҳфа қилиб туришни одат қилмоғи лозим. Айни пайтда болаларга қимматли нарсалар харид қилаётганда ҳам, албатта, яхши, ўқишли китобларни қўшиб сотиб олиб беришни унутмасинлар.

Машҳур руҳшунос олим Жон Сауз "Минг йилни жамлаган баҳор" асарида: "Одамлар интернет ҳар қанақа ахборот тизимини ортда қолдирди, дейишмоқда. Аслида эса бунақа эмас, интернет ҳеч қачон китоб ва газетанинг ўрнини босолмайди", деган. Одатда, китобхонлар илмий адабиётларнинг янгисини, бадиий ва тарихий асарнинг энг қадимийсини ўқишлари фазилатлидир. Дурдона асарлар ҳеч маҳал эскирмайди.

Мулоҳазаларимизни хулосалар эканмиз, бу фоний дунёга келиб, ўзини англаб етганлар, аслида, китобхонлардир. Шу боисдан фарзандларимизни китобга меҳрли бўлишга ўргатайлик.

Абдулҳамид ҳожи ҲАБИБУЛЛАЕВ,
халқ таълими аълочиси.

ОЛИМПИЯ ЗАХИРАЛАРИ ТЕННИС МАКТАБИ

ёш спортчиларнинг севимли масканига, юксак маҳорат мактабига айланади

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзи гарови бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Бундай юксак эътибор натижаси ўлароқ, айниқса, сўнгги йилларда нафақат пойтахтимиз ва вилоят марказларида, ҳатто чекка қишлоқ жойларида ҳам барча қулайликларга эга бўлган спорт иншоотлари қад ростлади. Қолаверса, бугун кўплаб иқтидорли ёш спортчиларимиз турли нуфузли халқаро мусобақаларда қатнашиб, юртимиз байроғини баланд кўтараётганликлари ҳам алоҳида эътиборга молик.

Ҳозирги кунда юртимизда бошқа спорт турлари билан шуғулланувчилар қаторида теннис ихлосмандлари ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Қувонарлиси, катта теннис мусобақаларида Ирода Тўлаганова, Оқгул Омонмуродова, Важа Узоқов, Фаррух Дўстов сингари маҳоратли спортчиларимиз муносиб иштирок этишмоқда. Президентимизнинг шу йилнинг апрель ойида эълон қилинган "Республика Олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори эса юртимизда мазкур спорт турининг янада равнақ топишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

— Ҳақиқатдан ҳам, Юртбошимиз қарори мамлакатимизнинг чекка-чекка ҳудудларида яшовчи янги иқтидор соҳибларини кашф этишда, маҳоратли спортчиларимизнинг издошларини янада кўпайтиришда янги имкониятлар яратади, — дейди Олимпия захиралари теннис мактаби директори Самуғ Обидов. — Бу Ўзбекистонда юқори малакали, юксак маҳоратли теннисчиларни тайёрлаш ҳамда вакилларимизнинг халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашуви учун беқиёс ҳисса бўлиб қўшилади.

Президент қарорига мувофиқ, ташкил қилинган Республика Олимпия захиралари теннис мактаби янги ўқув йилидан ўқувчиларини ўз бағрига олади. Мактабга танлов асосида, теннис клублари ва спорт мактабларида дастлабки тайёргарликдан ўтган иқтидорли йигит-қизлар қабул қилинади. "Тошкент теннис маркази" спорт мажмуаси ёш теннисчилар ихтиёрига берилади. Бундан ташқари, қарорда теннис мактаби моддий техник базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларга зарур барча шарт-шароитларни яратиш мақсадида қатор вазифалар ҳам белгиланганки, айни кунларда бу борада қизғин иш олиб борилмоқда. Демакки, Республика Олимпия захиралари теннис мактаби ёш спортчиларнинг севимли масканига, юксак маҳорат мактабига айланади.

Соат ФАЙЗИЕВ,
Музаффар ҲОТАМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон теннис федерацияси Республика олимпия захиралари теннис мактабига спортчиларни конкурс асосида танлаш учун ҳужжатлар қабул қилишни эълон қилади.

Республика олимпия захиралари теннис мактабига 1994-1996 йилларда туғилган (2008-2009 ўқув йилларининг 7-синф ўқувчилари), теннис клублари ва спорт мактабларида дастлабки тайёргарликдан ўтган, теннис билан шуғулланиш учун зарур спорт малакасига, Ўзбекистон теннис федерацияси томонидан юксак маҳоратли ва рейтингга эга теннисчилар тайёрлаш учун талаб даражасидаги имкониятлари бор ўсмирлар ва қизлар қабул қилинади.

Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

Ариза;

Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (асл нусхаси суҳбат олдидан кўрсатилади);

Тиббий маълумотнома – 086/у;

Спортчининг яшаш жойидан маълумотнома;

3 ёки 4/6 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;

Таълим олаётган мактабидан берилган ўзлаштириш табели;

Ўқувчининг узлуксиз руҳий-психологик ташхис дафтари ёки мактаб психологи ва синф раҳбари тасдиқлаган тавсифнома.

Республика олимпия захиралари теннис мактабига ҳужжатлар 2008 йил 1 августгача қабул қилинади. Ҳужжатлар Ўзбекистон теннис федерациясининг қуйидаги манзилига тақдим этилиши зарур. Тошкент ш. 1-чи Асака тор кўчаси 14-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: 237-30-56; 237-25-54; 237-25-01.

ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz

Бош муҳаррир
Холтўра ШАФОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият – 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими – 236-55-64

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРОДОВ.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси – 100

Навбатчи муҳаррир – Беҳбуд БОТИРОВ
Навбатчи – Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ
Саҳифаловчи – Собиржон ТУНҒАТОВ

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 600. Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади – 1872. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 02.00 1 2 3 4 6